*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2008 йил 10 декабрь • Чоршанба • № 55 (614) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru • www.minjust.uz

**2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

## Инсон ҳуқуқлари ва Конституция

*Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясi қабул қилинганининг 60 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги кенг нишонланмоқда.*



## Юртбошимиз таъкидлари:

*Биз қишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган махсус давлат дастурини ишлаб чиқамиз, албатта.*

*Бу дастурда акс эттириш лозим бўлган асосий чора ва тадбирлар ҳақида гапирганда, аввало қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масалалар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.*

*Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.*

• *Қутлаймиз!*

## Мукофотлар топширилди

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 йиллиги байрами арафасида Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бир қатор юртдошларимиз Президентимиз Фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотлари ва фахрий унвонлари билан тақдирланган эдилар.**



Конституция куни арафасида мустақил мамлакатимиз тараққиётига ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган, бу фидойи инсонларга вазирликлар, ташкилот ва муассасаларда мазкур мукофотларни топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Адлия вазирлигида ўтказилган тадбирда Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Жалол Абдусатторов ва Андижон вилояти Булоқбоши тумани ҳуқуқий маслаҳатхонасининг адвокати Ҳамиджон Жамоловларга ҳам давлатимизнинг юксак мукофоти — **"Шуҳрат" медали** тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Адлия вазири Р.Муҳитдинов топширди.

Тақдирлаш маросимида сўзга чиққан **"Шуҳрат" медали** соҳиблари Ж.Абдусатторов ва Ҳ.Жамолов муҳтарам Президентимизнинг бу юксак эътибори учун чуқур миннатдорчилик билдириб, бундай катта ишонч инсонпарвар қонунларимизни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ишида янада фидокорона меҳнат қилишга ундашини таъкидладилар.



***

Шунингдек, тадбир давомида Конституциямизнинг 16 йиллиги байрами муносабати билан адлия идораларининг бир гуруҳ ходимлари адлия органларидаги самарали меҳнатлари учун вазирликнинг **Фахрий Ёрлик**лари билан тақдирландилар.



**Суратларда: тантанали маросимдан лавҳалар.**

• *Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

## Халқнинг тарихи, бугуни, келажаги акс этган тимсол

**МАДҲИЯ. Бу сўзни ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди.**

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Давлат мадҳияси давлат суверенитетининг рамзидир. Унга зўр эҳтиром билан қараш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчи.

Мана, 1992 йил 10 декабрдан буён Мадҳиямиз жаранглаганда ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, имконини топсак жўр бўлиб куйлаймиз. Ҳанузгача эсимда, лицейда ўқиб юрган кезларимда эрталабки йиғилишларда Давлатимиз мадҳияси янграганда қўлимизни кўксимизга қўйиб биринчи қаторда туриш учун жой талашардик. Боғчага борган болакайларимиз уйга келиб ўзининг чучук "шева"сида Мадҳиямизни айтиб берса, беихтиёр фахрланиб кетамиз. Шундай юртга эга бўлганимиз, уни бaралла мадҳ этаётганимизга шукроналар қиламиз.

Давлатимиз мадҳияси жаҳон мамлакатларида тантанавор янграганда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросида миллий ғурур уйғонади. Президентимиз у ёки бу давлатга борганларида, машҳур спортчиларимиз ғалаба қозонган кезларда, улуғ айёмларимиз аввалида Мадҳиямиз янграйди. Биз учун бу – бахт.

Буюк санъаткор Мутал



(Мутаваккил) Бурҳонов мусиқа басталаган Мадҳия мукаммал тарзда истиқлолимиз рамзига айланган.

Бетакрор шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов томонидан яратилган ҳуррият қўшиғи, юртимиз гўзаллигини юқори оҳангда қамраган ватанпарварликнинг юксак намунаси — Мадҳия қалбимизда Ватандан ифтихор туйиш туйғусини аланга олдиради.

Хулоса қилиб айтганда, шоир мана шу мўъжаз асарда мўъжаз тарзда халқ қалбининг кўрини, Ватаннинг гўзал тимсолини намоён эта олган, дейишга ҳақлимиз.

Ўзбекистон бир узук бўлса, Давлат мадҳияси – гўё шу узукнинг порлоқ кўзидир.

Мадҳиямиз халқимизнинг сиёсий-маънавий кайфиятига ижобий таъсир этишини ҳеч унутмаслигимиз лозим. Мадҳия ҳам худди она Ватан каби муқаддасдир. Унда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган.

**Азизхон НОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими**

• *Фахр*

## Янада шижоат билан ишлашга чорлади

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 116-моддасида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Мазкур конституциявий нормани изчил ва кенг амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинган. Ушбу қонунлар адвокатурани ташкил этишга, унинг иш юритиш тартибини белгилаб олишга, шунингдек, бу муҳим ҳуқуқий институтнинг унумли ишлашига керакли шароит яратиб берди.**

ШУНИ ТАЪКИДЛАШ лозимки, адвокатура амалиёти таҳлили бу соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда адвокатларнинг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, соҳа мутахассисларининг салоҳияти, малакаси ва ўз ишига муносабатини ўзгартириш масалалари ҳозирги кун талабларидан бири эканлигини кўрсатди.

Юқорида айтилган масалаларни янада тартибга солиш, соҳани такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 1 майда **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди. Ўйлайманки, бу ўта муҳим ҳужжат давлатимиз раҳбари томонидан суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, сафимизни нопок кадрлардан тозалаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Фармоннинг мантиқий давоми сифатида Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасиға киритилган тегишли ўзгартишлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, янгиликка мувофиқ жиноий ишлар бўйича тергов ва суд жараёнларида ҳимоянинг фақат адвокатлар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлашга, адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб боришга, касб этикаси қоидалари қабул қилинишига ва уларга қатъий риоя этилишига, адвокатларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини янада жонлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси Адвокатлар палатасига айлантирилди.

Андижон вилоятида ҳам Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ташкил этилиши бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда адлия бошқармасининг ёрдами катта бўлмоқда.



**Ҳамиджон ЖАМОЛОВ,**
**Андижон вилояти Адвокатлар ҳайъати адвокати**

Адвокатура соҳасидаги 30 йиллик тажрибамни инобатга олиб, ҳозирги вақтда ушбу соҳани ислоҳ қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларида белгиланган топшириқларни сидқидилдан бажаришни ўзимнинг касбий бурчим, деб ҳисоблайман. Тажрибам ва фаолиятимнинг Юртбошимиз томонидан эътироф этилиши ва **"Шуҳрат" медали** билан тақдирланганим мени янада шижоат билан ишлашга чорлади. Шу билан бирга адвокат сифатида фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта масъулият юклайди. Бу эса мамлакатимиз адвокатурасининг мавқеи ва обрўсини янада оширишга ҳисса қўшишимга даъват этади.

• *Миннатдорчилик*

## Ёрдамингиздан хурсандман

*Ҳурматли таҳририят ходимлари!*

*Мен шу йил баҳорда "компенсация" ололмаётганим тўғрисида сизларга мурожаат этган эдим. Шундан сўнг сизларнинг ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аралашуви билан жорий йил сентябрдан эътиборан "компенсация" ола бошладим.*

*Кеч бўлса-да, мактуб орқали сизларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқдаман.*

*Доимо халққа елкадош бўлиб, унинг мушкулини осон, оғирини енгил қилишда сизларга куч-қувват тилайман. Адолат туғини ҳамиша юксакларга кўтаришингизга тилакдошман.*

*Барот АБДУЛАКИМОВ,*
*Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани*

## Самимий эътироф

**ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда адлия идоралари ва муассасаларининг ўзига хос ўрни бор. Хусусан, Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси томонидан бу борада бир қатор ишлар қилиняпти.**



— Аҳолининг барча қатламлари ўртасида Конституция ва қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини одамларга халқчил, тушунарли тарзда, содда тилда тушунтириш, ҳуқуқий тарғиботнинг самарали усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари Тамара Тиллаева.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган Т.Тиллаеванинг ташаббускор ва фаоллиги кенг жамоатчилик эътиборига сазовор бўлаётир. Конституциямизнинг 16 йиллиги арафасида Тамара Тиллаева хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасидаги самарали меҳнатлари учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ҳуқуқий тарғибот жонкуяри, юридик фанлари номзоди Т.Тиллаевани бу самимий эътироф билан қутлаб, унинг келгусидаги фаолиятига янада улкан зафарлар тилаймиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

● *Қонун устуворлиги йўлидаги дадил қадамлар*

# Ҳуқуқий жамиятнинг мустаҳкам пойдевори

## Давлатимиз томонидан миллий ва умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланмоқда

**Жаҳон ҳамжамияти, дунё халқлари инсониятга дахлдор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини кенг нишонламоқда. Юртдошларимиз мустақил Ўзбекистон давлатининг илк Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллик байрамини шодиёна қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган, инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устувор, дея эътироф этилган мамлакатимизда ҳар бир юртдошимиз қалбида бу оламшумул қутлуғ саналар шукуҳи бор.**

> **Ислом КАРИМОВ:**
> *"...Биз Конституциямизни қабул қилиш билан ўз умрини ўтаб бўлган, мафкуралашган, мустабид маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бутунлай воз кечдик, мамлакатимизни ҳуқуқий-демократик ривожлантиришга қаратилган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган янги стратегияни аниқ белгилаб олдик".*

Бугунги кунда жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият, деб қараш ғоялари устувор масалалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, бошқарувнинг адолатли ва демократик принципларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Бош қомусимизнинг 13-моддасида, **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"**, деб белгиланган. Шу улуғ мақсадда давлатимиз томонидан миллий ва умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланмоқда.

Истиқлол йилларида эришилган натижаларга назар ташлар эканмиз, тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат конституциявий ҳимоя қилишнинг асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантиришнинг миллий тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи жаҳон конференциясининг ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тузилмалар тузиш тўғрисидаги чақириғига жавобан мамлакатимизда ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилар қаторида муайян демократик миллий институтлар ташкил этилди, суд-ҳуқуқ тизими янги шароитлар талабларига босқичма-босқич мослаштирилди. Бугунги кунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар қабул қилинган.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 1 май куни **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган Тадбирлар дастурида 25 та тадбир ижроси бўйича Адлия вазирлигининг иштирок этиши қайд қилиниб, шундан 11 та бандда вазирлигимиз бевосита масъул ижрочи этиб белгиланган эди. Шунга мувофиқ, Адлия вазирлигида ишлаб чиқилган режага асосан адлия органлари ва муассасалари томонидан кўплаб амалий ишлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Шу сана муносабати билан **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти"** мавзуида республикамиз бўйлаб жойларда ташкил этилган семинар ва учрашувлар кўтаринки руҳда ўтганлиги, фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг бу тадбирлардаги фаол иштирокини кузатиш қувонарли ҳолдир. Мазкур тадбирларга мактаб, лицей, коллежларнинг 10 мингга яқин ўқувчи-талабалари жалб қилинганлиги буни яққол англатиб турибди. Ушбу тадбирларда "**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**" китоби тўрт минг нусхада, китобхон учун қулай ва ихчам шаклда ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган, "**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**" китоби кўплаб нусхаларда тарқатилди.

Бу семинар ва учрашувларда Декларациянинг ҳар бир моддаси мазмун-моҳиятини акс эттирувчи плакатлар тайёрланиб, йиғилганлар эътиборига ҳавола қилингани барча иштирокчиларда ўзига хос қизиқиш уйғотди.

Инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналлар сайёр кўргазмаси белгиланган жадвал асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Кўргазмаларда ўзбек, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа халқлар тилларида чоп этилган мингдан ортиқ турдаги инсон ҳуқуқларига оид китоблар ва бошқа нашрлар намойиш қилинди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда тарғибот ишлари самарасига ҳам вазирлигимиз томонидан алоҳида аҳамият қаратилган. 2008 йилнинг 9 ойи давомида инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида 7856 та тарғибот тадбири амалга оширилган. Шундан, 1542 таси оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларни ташкил этади. Қарийб 6 мингдан ортиқ бевосита учрашув тарзидаги тарғибот ишлари бажарилган. Бундай тарғибот тадбирлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кенг миқёсда ўтказилди.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан 5 декабрь куни нутқида қишлоқларимизда турмуш фаровонлигига алоҳида эътибор қаратиб, келаётган йилимизни "**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги**" йили деб аташлари замирида ҳам қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масалалар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарурлиги уқтирилади.

Жумладан, Юртбошимиз ўз нутқида галдаги вазифаларни ҳам белгилаб бердилар: "**...Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга**".

Шунингдек, мустақил мамлакатимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожлантириш масаласини олий мақсад қилиб қўйган Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан 13 та қарор, 1 та Фармойиш қабул қилинди. 2 та қонун лойиҳаси эса қабул қилиниш арафасида турибди. Бу хайрли саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳиятида эса юртимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялашда қонунийлик сиёсати сингдирилганлигини алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик жиҳатлари, инсонга бўлган муносабат, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг даражада ҳимоя қилинаётганлиги билан баҳоланади.

Ана шу жиҳатдан қараганда, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ва халқаро қонунлар билан имплементация қилиш жараёни қонун ижодкорлари олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги билан имзоланган меморандум ва келишувлар доирасида ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилинмоқда. 2007 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги, **"Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"**ги, **"Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"**ги, **"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ҳамда жазолаш ҳақидаги Баённомани ратификация қилиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳалари Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ва тегишли хулосалар берилган. Ҳозирда мазкур қонунларнинг аксарият қисми қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2008 йил ноябрь ойида биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Бевосита жорий йилнинг ўтган 9 ойи кўрсаткичларига эътибор берсак, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида кўрилган чора-тадбирлар туфайли инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида 33,7 фоиз мурожаатлар юзасидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлигини кузатишимиз мумкин.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли идораларга 663 та тақдимнома киритилган, шундан 612 та тақдимнома ижроси тўла таъминланган. 194 та турли хилдаги ноқонуний қарорлар ва буйруқлар бекор қилинган. 884 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Бу соҳадаги ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатлари адлия органларининг доимий эътиборида.

Шунингдек, қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 159 та огоҳнома, 195 та ёзма кўрсатма, маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 239 та таклиф киритилган. Шундан 233 нафар айбдор мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Суд идораларига 308 миллион сўмдан ортиқ 1215 та даъво аризаси киритилган бўлиб, 241 миллион сўмдан ортиқ 980 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилган, шундан 198 миллион сўмдан ортиқ 801 та даъво аризасининг ижроси тўлиқ таъминланган. 60 та даъво аризаси бўйича суд қарорига асосан 19 нафар мансабдор шахсдан фуқаролар фойдасига 9 миллион сўмликдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар ундирилган.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи воситаларни такомиллаштириш, ҳуқуқий тарбияни янада изчил йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш, юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малака ва билимларини мустаҳкамлаш масалалари борасида изчил ишлар қилинмоқда.

Албатта, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг тўлақонли таъминланиши аҳолининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши, қонунлар билан таниш бўлиши, уларнинг мазмунини тушуниши билан боғлиқ жараён. Бу эса зиммамизга юклатилган ҳуқуқий тарғибот ишларининг самарали кечишини тақозо этади. Истиқлол йилларида халқимизнинг ҳуқуқий маданияти шаклланганлиги, аҳолининг бу соҳада фаоллиги ошаётганини ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликдаги фаолият натижалари десак, янглишмаймиз.

Қувонарлиси, фуқаролар нафақат ўз ҳуқуқларини билмоқда, балки ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам ҳимояланишига ишонч билан қарамоқда. Зеро, ҳар бир инсоннинг тегишли идораларга мурожаатларида ана шу ишонч ва умид ифодаланишини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу муҳим вазифани амалга оширишда, хусусан, Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, унинг мазмун-моҳияти ҳақида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган турли тадбирлар, хусусан, ҳуқуқий маърифат соатлари, кўргазмали семинарлар, очиқ мулоқотлар ўтказиб келинаётир.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойиши Бош қомусимизни оммавий равишда ҳаётга татбиқ этишда салмоқли қадам бўлганлиги, мазкур Фармойишга асосан Асосий қонунимизни болалар боғчасидан бошлаб, мактабларда ҳамда олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўрганилаётганлиги ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилаётганлигини эътироф этиш жоиз.

Шу билан бирга адлия органлари ва муассасаларининг ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича масъул ходимлари учун ташкил этилган **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш — давр талаби"** мавзуидаги семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш юзасидан жамоатчилик билан ишлаш, бу борадаги турли тадбирлар самарали ўтказилишига эришиш ҳақида зарур билимларга эга бўлишди.

Президентимизнинг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан биргаликда уч ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини кўриш вазифаси белгиланган эди. Шу мақсадда республикамизда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти назорат тартибида таҳлил қилинди. Ушбу жараёнда кўплаб ютуқлар билан бир қаторда аниқланган камчилик ва нуқсонлар Адлия вазирлиги жамоаси томонидан атрофлича муҳокама этилиб, уларни бартараф қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли **"Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори асосида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ("LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими) ишга туширилди. Мазкур маълумотлар базаси билан кенг оммани таништириш ва уни амалиётда қўллашга бағишланган тақдимот маросимлари ва ўқув-семинарлари давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий органлари, адвокатлик муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кенг қатлами ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилди.

"LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими яратишдан асосий мақсад, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш сифатини такомиллаштиришдан иборат.

"LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизимига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари, қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари ўзбек ва рус тилларида киритилганлиги, ҳозир тизимда 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар қабул қилинган 17 мингдан ортиқ ҳужжат мавжудлиги тизимнинг мукаммаллигидан далолат беришини кенг жамоатчилик эътироф этаётир.

Бу тизим, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан доимо ва оператив тарзда бохабар бўлиб боришларини таъминлайди.

"LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизимининг Интернет тармоғи орқали тарқатилаётганлиги аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни тарқатишнинг самарали ва кенг қамровли механизмига айланиб улгургани яна бир ютуғимиздир.

Адлия органлари ва муассасалари ўртасида **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича энг яхши реферат"** танлови, **"Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир"** номли кўрик-танловлар ўтказилишидан ҳуқуқшунос мутахассислар, ҳуқуқ тарғиботчиларининг интеллектуал фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадлари кўзда тутилди.

Жорий йилда Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистондаги ЕХҲТ лойиҳалари координатори кўмагида бўлиб ўтган **"Жамиятни демократлаштириш ва Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб ҳуқуқий масалалари — Ўзбекистон тажрибаси"**, Адлия вазирлиги, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр жамғармалари кўмагида **"Хабеас корпус — одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқларининг муҳим кафолати"** мавзуларида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларнинг аҳамиятли жиҳатлари хусусида ижобий фикрлар билдириш мумкин. Мазкур анжуманларда жаҳондаги етакчи мутахассисларнинг иштирок этганлиги Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги тажрибасига жаҳон ҳамжамияти эътиборининг тобора ортаётганлигидан далолат беради.

**Равшан МУҲИТДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазири**

● *Танлов*

# Конституция – буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати







**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Темирйўлчилар марказий маданият саройида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган “Конституция – буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” номли кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бошқармалари, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари, нотариат, ФҲДЁ бўлимларининг танловнинг қуйи босқичларида ғолиб, деб топилган жамоалари иштирок этди.

Ушбу кўрик-танловнинг асосий мақсади Конституциямизни мукаммал ўрганиш ва ушбу билимларни тингловчилар олдида намоён эта олиш, шунингдек, мутахассисларнинг нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко ходимларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

Иштирокчи жамоалар бешта шарт бўйича билим ва маҳоратларини намоён қилдилар.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта таълимни ривожлантириш маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Адлия вазирлиги муассасалари вакилларидан иборат ҳайъат томонидан иштирокчиларнинг билим ва маҳоратлари юқори баҳоланди.

Шунга кўра, 1-ўринга Тошкент шаҳрининг **“Ифтихор”** жамоаси, 2-ўринга Навоий вилоятининг **“Пирамида”** ҳамда Андижон вилоятининг **“Ниҳол”** жамоаси, 3-ўринга Қорақалпоғистон Республикасининг **“Адиллик”** ва Фарғона вилоятининг **“Фемида”** жамоаси сазовор бўлишди.

Шунингдек, Хоразм вилоятининг “Қомус” жамоаси **“Энг тиришқоқ аёллар”**, Жиззах вилоятининг “Салоҳият” жамоаси **“Энг маданиятли гуруҳ”**, Тошкент вилоятининг “Фиқҳ устуни” жамоаси **“Энг ҳаракатчан гуруҳ”**, Наманган вилоятининг “Истиқлол” жамоаси **“Энг яхши жамоа жавоби”**, Бухоро вилоятининг “Адолат” жамоаси **“Энг жозибали гуруҳ”**, Сурхондарё вилоятининг “Ҳумо” жамоаси **“Энг фаол гуруҳ”**, Сирдарё вилоятининг “Адолат” жамоаси **“Барчиной изидан юрувчи”**, Самарқанд вилоятининг “Адолат” жамоаси **“Бибихоним издошлари”**, Қашқадарё вилоятининг “Ҳуқуқ” жамоаси **“Энг тиришқоқ гуруҳ”** номинацияси бўйича тақдирландилар.

Кўтаринки руҳда ва қизиқарли беллашув тарзида ўтган бу кўрик-танлов ҳуқуқшунос мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга, интеллектуал ташаббускорлик салоҳиятини оширишга хизмат қилиши тадбирда алоҳида таъкидланди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# Тизим тадбирлари

## Декларация аҳамияти

**ПЕШКУ ТУМАНИдаги Афшона тиббиёт коллежида Президентимизнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони ижросига бағишлаб “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Унда туманнинг 48 та умумтаълим мактаби, 3 та касб-ҳунар коллежининг ўқувчи ва талабалари, 25 та маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий-маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг жамиятдаги ўрни хусусида фикр билдирдилар, талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**Нусратилла ЖАҲОНОВ,**
**Пешку тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Қўшалоқ байрам

**БУГУН дунё ҳамжамияти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини катта тантаналар билан нишонлайди.**

Юртбошимиз томонидан 2008 йил 1 май куни “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида” Фармон қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Негаки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар моддаси сизу бизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз учун хизмат қилади. Айниқса, биз ўзбекистонликлар бу санани қўшалоқ байрам сифатида нишонлаймиз. Боиси Бош қомусимиз ҳам декабрь ойининг дастлабки ўн кунлигида қабул қилинган.

Ўзбекистон туманининг Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбирда ана шулар хусусида сўз борди.

Мазкур тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман ФҲДЁ бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинди.

**Махсуда ШОКИРОВА,**
**Ўзбекистон тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Халқлар дўстлиги ғолиб

**ИНСОН БЕБАҲО ва унинг қадр-қиммати юксакдир. Ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамдўстлик ва барча эзгуликлар инсонга хос тушунчалардир.**

Ҳар қандай давлат ўз фуқаролари билан керакли мақомга эга бўлади. Шунингдек, давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоясини, тинч-тотув ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Мамлакатимизда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда Тошкент юридик коллежи чет тиллари кафедраси ташаббуси билан “Халқлар дўстлиги” деб номланган фестиваль ўтказилди. Фестивалда турли миллат вакиллари бўлган талабалар иштирок этишди. Улар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари ва турли тилларда ижро этилган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Бир сўз билан айтганда, “Халқлар дўстлиги” фестивалида дўстлик ғалаба қозонди.

**Дурдона НАЗАРОВА,**
**Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси**

## Хушёрлик ва огоҳлик

**ТУРМУШИМИЗДА содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатда бўлиш учун ҳар бир инсондан огоҳлик ва хушёрлик талаб этилади. Айниқса, ёшлар орасида огоҳликнинг тарғиб этилиши уларнинг ҳаётий кўникмаларини шакллантириш билан бирга, атроф-муҳитга, жамиятга бўлган эътиборини оширади.**

Яқинда Тошкент Юридик коллежида “Вояга етмаганлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги муаммолари” тўғрисида бўлиб ўтган амалий анжуманда ҳам худди ана шу хушёрлик ва огоҳлик мавзуида сўз борди.

Учтепа тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу йиғинда ўқувчи-ёшлар ёнғиннинг олдини олишга хизмат қиладиган замонавий қурилмалар билан танишдилар. Шунингдек, ёнғин хавфсизлигига риоя қилмасликнинг оқибатлари ҳақидаги кинофильмнинг намойиш этилиши эса ёшларни бефарқ бўлмасликка чорлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Самарали тақдимот

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҳокимлиги ва адлия бошқармаси ҳамкорлигида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кўмаги” мавзуида тақдимот ўтказилди.**

Унда Миллий банкнинг Ўзбекистондаги инвестицион ва кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларидан самарали фойдаланиш тамойиллари ҳамда хорижий инвесторларни излаш, улар билан музокаралар олиб боришни ташкил этиш ва ўтказиш, инвестиция таклифларини расмийлаштириш тартиблари тўғрисидаги Президентимизнинг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарори ижроси юзасидан батафсил фикр юритилди.

Шунингдек, тадбирда бизнес ғоялар муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди.

**Қамариддин ТЎХТАНИЁЗОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

● *Таққос*

# Асосий қонун ва бурчларимиз, ҳуқуқларимиз

## “МЕНИНГ” ЁКИ “УНИНГ” ИЖОДИЙ МАҲСУЛИ ЭМАС... БАЛКИ...

**МАМЛАКАТИМИЗ Конституциясининг 48-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”, деб белгиланган.**

**Ушбу норма устида тўхталиб, шуни айтиш керакки, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Конституция олий юридик кучга эга бўлиб, “бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”.**

КОНСТИТУЦИЯ энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, Ўзбекистон Республикаси халқининг хоҳиш-иродасини ифода этади, турли сиёсий кучлар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларининг ўзаро муросасини таъминлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқий қадриятлар “менинг” ёки “унинг” ижодий маҳсули бўлмай, балки бутун омма манфаатини кўзлайди. Бинобарин, Конституцияни, қонунни ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, энг аввало, кишининг ўзини ҳурмат қилиши ҳисобланади. Ўзини ҳурмат қилган одам эса, ўзгаларни, барча учун маёқ ҳисобланган Конституцияни, қонунни ҳурмат қилади, эъзозлайди. Биладики, қонунни ҳурмат қилмаса, ўз-ўзидан қонунбузарлик, ҳуқуқбузарлик содир бўлади. Қонун эса бундай ҳуқуқбузарликка бефарқ қараб тура олмайди. Унга нисбатан мажбурлов ёки тақиқлов чораларини қўллайди. Чунончи, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади... Ёки Конституциянинг 57-моддасига кўра, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

## КИШИ ШАЪНИ ВА ОБРЎСИГА ПУТУР ЕТСА...

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Демак, Конституция нормалари бир пайтнинг ўзида фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга имкон беради.

Кишининг шаъни унга жамоатчиликнинг берган баҳоси, эътирофи ҳисобланиб, қадр-қиммат эса шахс томонидан ушбу эътирофга сазоворлик билан изоҳланади. Ва у бебаҳо неъмат ҳисобланади. Энг аввало, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд орқали раддия талаб қилишга ҳақлидир. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар қайси оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

## МАЪНАВИЙ ЗАРАР ҚАЙ ҲОЛАТДА УНДИРИЛАДИ?

Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган бўлса бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни ҳам фуқаро талаб қилишга ҳақлидир.

Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Шунингдек, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда, албатта, қопланади:

*— зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаидан етказилган бўлса;*

*— фуқарони қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиши ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида фуқарога зарар етказилган бўлса;*

*— ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли зарар етказилган бўлса, шу билан бирга қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.*

Маънавий зарар пул билан қопланиб, у жабрланувчининг субъектив ҳуқуқи (яъни қанча миқдорда талаб қилишни унинг ўзи ҳал қилади) ҳисобланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. Шуни эслатиш керакки, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади.



**Зокир АНОРБОЕВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани прокуратураси катта терговчиси**

# Энг олий қадрият, энг улуғ ғоялар ифодаси

60
ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ
УМУМЖАҲОН
ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**МАЪЛУМКИ, халқаро ҳуқуқнинг тан олинган принциплари ва меъёрлари мамлакатимиз Конституциясининг таркибий қисмини ташкил этади. Миллий меъёрлар, нормалар билан тафовут вужудга келганда халқаро ҳуқуқ меъёрлари устунликка эгалиги ҳам мамлакатимизнинг бошқа бир қатор норматив актларида тан олинган.**

ШУ БИЛАН БИРГА Конституциямизда давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши ҳам қайд этилган. “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” номли бобда яшаш ҳуқуқининг узвийлигини ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи мавжудлигини кўришимиз мумкин. Худди шундай шахсий дахлсизликнинг асосий компонентлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 9-моддасида ҳам айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги хужжатлар доираси ва тегишли муносабатларни тартибга солиш хусусиятлари билан уч турга бўлинади: халқаро, минтақавий ва миллий.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Декларацияда ҳам Конституцияда ҳам инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги ва ҳар бир шахс туғилиши биланоқ муайян ҳуқуқларга эга бўлиши эътироф этилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Конституция инсон ҳуқуқлари соҳасидаги механизмнинг мамлакатимиздаги ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор миллий демократик институтлар яратилди. Айни вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига доир қуйидаги демократик институтлар мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

Демократик институтлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, яъни Омбудсманнинг фаолияти ниҳоят даражада кенг эканлигини ва унинг бу соҳадаги ваколатлари доирасининг ҳам кенглигини айтиб ўтиш жоиз. “Омбудсман” сўзининг маъносига келадиган бўлсак, у шведча сўздан олинган бўлиб ”Hombudsman” — бирор киши муносабатларининг вакили баъзи мамлакатларда парламент томонидан махсус сайланган (тайинланган) давлат органлари ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс, деган маънони англатади.

Ҳозирги кунда дунёнинг 107 тадан ортиқ мамлакатида Омбудсман фаолиятини бажарувчи 150 дан ортиқ орган ва тизимлар мавжуд.

Мамлакатимизда бу орган 1995 йил 23 февралдаги Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президентимиз ташаббуси билан ташкил топди.1997 йил 24 апрелда “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва 2004 йил 27 августда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ Омбудсман мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколати берилган. Мамлакатимиздаги Омбудсман ҳузурида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан Комиссия мавжуд. Ушбу Комиссиянинг аъзолари республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликларида Омбудсманнинг минтақавий вакили сифатида фаолият юритадилар.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг имконияти ва улар ҳуқуқларини ҳимоялаш кейинги йилларда тезлик билан ривожланганини ва ўсганини таъкидлаш жоиз. Инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш ва уларни демократик принциплар асосида амалга ошириш жаҳон ҳамжамиятида тинчликни мустаҳкамлашда асосий ўрин эгаллайди.

**Жўрабек ШОДИЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси,**
**Аъзамжон САРАБЕКОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

● *Таҳлил*

# Адвокат ҳимояси

## Билим, малака, касбий маҳорат, ишончга сазоворлик билан боғлиқ

(Иккинчи мақола)

**КАСБ МАҲОРАТИ**

БУГУНГИ КУНДА замонавий адвокатларга юридик соҳадаги тажриба ва адвокатлик тузилмасида ўталган амалиётнинг мажбурийлиги, шунингдек, мунтазам равишда касбий маҳоратни ошириб бориш билан таъминланадиган юқори даражадаги касб маҳоратига эга бўлиш талаблари қўйилган.

Дарҳақиқат, адвокатларга ишонч билдирган, ўз ҳимоясини уларга ишониб топширган шахслар томонидан билдирилган эътирозларнинг аксарияти уларнинг касб маҳорати, қолаверса, юридик билимларининг паст савияси билан боғлиқ. "Адвокатим бўш чиқиб қолди-да," сингари койинишларнинг кўп кузатилиши сир эмас.

Хўш, чинакам адвокатнинг касбий маҳорати айнан қандай хусусиятларни қамраб олади ва адвокат юридик соҳанинг бошқа йўналишларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларидан нимаси билан ажралиб туради?

Фикримизча, замонавий адвокат ҳуқуқий соҳадаги мукаммал билимлардан ташқари, ўз фикрини асосли тарзда ўтказа билиши, юқори самарани таъминлайдиган қонун қўллаш тактикасига, ташкилотчилик, маҳоратли мулоқотчи, кучли сўз устаси каби хислатларга эга бўлиши керак. Яна бир муҳим жиҳати, у ўзининг обрўси ва кучли руҳияти билан ҳимояси остидаги шахснинг ишончини



қозона билиши, унга ҳамдард бўлиши, вужудга келган ҳолатни тўғри таҳлил қилиб, тўғри тушунтириши, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини идрок қила билиши, ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларига фойда келтирадиган қарорларни қабул қилишидир.

Бир қарашда мижознинг содир қилган қилмиши, унга нисбатан тўпланган далилларнинг шак-шубҳасизлиги боис шахснинг ҳолати "нажотсиз" кўринса-да, ўз касбининг устаси бўлган адвокат иштирок этган ишнинг пироварди мижоз учун имкон бор даражада енгилликка олиб келади.

Таъбир жоиз бўлса, бугунги адвокат бошқа соҳадаги ҳуқуқшунослардан қонунчиликнинг барча соҳаларисиз ўз касбини тасаввур қилолмаслиги билан ажралиб туриши лозим.

АҚШда фақатгина Америка адвокатлар ассоциациясининг аъзоларигина судья ёки прокурорликка сайланишлари мумкинлиги бежиз эмас. Агар адвокатуранинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихига қарасак, адвокатлар доим ҳуқуқшунослар иерархиясининг юқори поғоналарида турганлар. Масалан, Буюк Британияда "барристер" деб юритилган адвокатлар барча поғонадаги судларда иш юритиш ваколатига эга бўлсалар, юрист-солиситерлар (адвокат мақоми бўлмаган юристлар) фақат ҳуқуқ қўллаш амалиётининг "қора" ишларини: ёзишмалар олиб бориш, эътирозлар ва судга чақириқ қоғозларини топшириш, энг қуйи судларда вакиллик қилиш каби вазифаларни бажарганлар. Айнан барристерлар (адвокатлар) биринчи бўлиб, олий юридик маълумотдан ташқари олижаноблик, касбий моҳирлик, поклик каби юксак инсоний хислатларга эга бўлган соҳа мутахассисларидан ташкил топган касбий жамоаларини тузганлар ва жамиятнинг юқори қатламига мансуб шахс ҳисобланганлар. Суд жараёнлари бошланишидан олдин суд иштирокчиларини эълон қилишда барристерларнинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинган.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқшуносликнинг бир соҳасига ихтисослашган юристлардан фарқли равишда адвокатларнинг ўз фаолиятлари давомида қонунчиликнинг турли институтларига мурожаат қилишларига тўғри келади. Ҳуқуқшунослик соҳасининг барча йўналишлари бўйича билимларга асосланган юқори даражадаги касбий маҳорат, ҳар томонлама ривожланган интеллект, олий даражадаги мулоқот маданияти, кучли ташкилотчилик қобилияти – бугунги кун адвокатининг хислатидир.

Адвокатларнинг малакасига қўйилган талабларни бажариш учун малака ошириш курсларини ташкил этиш камлик қилади, назаримда. Бу борада олий ўқув юртларида юристларни тайёрлаш дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Балки адвокатлар тайёрлаш бўйича алоҳида факультетлар тузиш лозим.

Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, замонавий адвокат асосий юридик билимлардан ташқари суд нотиқлиги, юридик хизмат кўрсатиш менежменти (бошқаруви), вакиллик қилиш психологияси ва бошқа шу каби билимларни чуқурроқ эгаллаши талаб этилади.

**ҲАЛОЛЛИК, ОЛИЖАНОБЛИК, МАСЪУЛИЯТ**

Бугунги кунда адвокатларимизнинг намунавий қиёфаси (стереотип) янада яхши томонга ўзгариши зарурлигини ҳаёт тақозо этаётир. Сирасини айтганда, бундай намунавий қиёфа ҳали тўлиғича шаклланиб улгурмаган. Бугун адвокатлик фаолиятида "ким хоҳласа ва қандай хоҳласа" қабилида иш олиб бораётганлар ҳам йўқ эмас. Худди шу каби мижоздан ҳақ олиб, "хўжа кўрсинга", юзакилик билан юридик "хизмат" кўрсатаётган адвокатлар ҳам учраб турибди.

Мамлакатимиз раҳбарининг **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида **"адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдириш"** вазифаси қўйилгани бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар борлигидан ҳам далолат беради. Бу муаммолар бир томондан адвокатларимизнинг шахсий фазилатлари ҳамда касбий савиялари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг ўзларига олган мажбуриятларини бажаришга бўлган муносабатлари билан боғлиқ. Адвокатга мурожаат қилган шахс, аввало, унинг касбий лаёқатлилигига умид боғлайди ва нажот кутади. Демак, адвокат бировнинг муаммосини ҳал қилиш ёки енгиллатиш мажбуриятини олар экан, ўзининг малакаси, тажрибаси билан унга билдирилган ишончга муносиб бўлиши керак. Бизнингча, бу адвокатга қўйиладиган ҳам маънавий, ҳам касбий талаб бўлса керак. Акс ҳолда адвокат беморга бирор фойдаси тегмайдиган "куф-суф"лар билан алдаб "даволайдиган" фолбинга ўхшаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳозирда адвокатларда учраб турадиган яна бир камчилик – қандай бўлмасин, мижознинг кўнглини олиш, унга ёқишга интилишдир. Бу мақсадларда айрим ҳамкасбларимиз мақтанчоқлик, хушомадгўйлик, ваъдабозлик билан обрў орттиришга ҳаракат қиладилар. Албатта, бу йўл орқали ҳақиқий обрў қозонган адвокат ҳозирча бўлган эмас. Чунки қуруқ ваъдалар доимо киши ҳафсаласининг пир бўлишига олиб келади, холос.

Инсоннинг олижаноблик ва софдиллик хислатлари қандай тамойилларга асосланади?

Кўпчилик олимлар софдилликни инсон маънавиятининг ташқи намойиши, яъни унинг виждонини қониқтирадиган хатти-ҳаракатларининг умуминсоний қадриятларга мос келишлиги билан аниқланишини таъкидлашади. Инсоннинг шаъни эса – бу унинг ўзига ўзи берадиган баҳосидир. Софдил бўлмаган одамдан олижаноблик фазилатини кутиб бўлмайди.

Бу умуминсоний тушунчаларга жавоб берадиган адвокатнинг одоб нормаси, соф виждонлилиги ва олижаноблигининг мезонлари эса ишонч билдирувчи, ҳимояланувчи олдида худди ўзининг виждони олдида бўлгандай софдил, ҳақгўй бўлиш, билдирилган ишончга виждонан ёндашиш, алдамаслик, қонунни бузмасликдан иборат.

Бир қарашда оддий туюлган бу этик талаблар, агар улар бузилганда қандай мудҳиш оқибатлар юзага олиб келишини инобатга олсак, адвокатга юксак масъулиятни юклайди.

Ўзбекистон Адвокатлар палатаси олдига адвокатлар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни олиб бориш вазифаси юклатилган. Бундан кўринадики, адвокатга қўйилган ахлоқий-маънавий талаб асосан икки нарсага — қонунчилик ва касб этикаси қоидаларига риоя қилиш билан белгиланган.

Ҳар бир адвокатнинг шахсий обрўси адвокатлар ҳамжамиятининг обрўсига ва аксинча, адвокатуранинг обрўси ҳар бир адвокатнинг обрўсига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда ҳам адвокатуранинг жамоатчиликка асосланган тузилмага бўлган эҳтиёжи яққол кўринмоқда. Юксак инсоний хислатларга эга бўлган адвокатларни тарбиялаш биринчи навбатда барча адвокатлар учун бир хил мезон вазифасини ўтайдиган ахлоқий нормаларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш билан амалга оширилади. Россия адвокатлари федерал палатасининг олий мукофоти "Ор-номус ва қадр-қиммат учун" ("За честь и достоинство") деб аталганлиги бу фикрнинг бир тасдиғи бўлиши мумкин.

ХУЛОСА ҚИЛГАНДА, илғор демократик давлатлар андазасига мос келадиган, баъзи бир жиҳатлари билан ҳатто ундан ҳам ўзадиган адвокатурани барпо этишни таъминлайдиган жуда муҳим Фармон ҳаётга татбиқ этилаётир.

Албатта, ушбу Фармон фуқаролик, демократик жамият қуриш борасидаги мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида ўтказилаётган ислоҳотларни амалга оширишда йўл кўрсатувчи бир маёқдир. Унинг талабларини амалиётга тўла татбиқ қилиб, кўзланган марраға етиб бориш ва жамиятни янада демократлаштириш учун қиладиган ишларимиз кўп.

Бир нарса аён – мустақиллик йилларида амалга оширилган ва давом эттирилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистон адвокатурасини янада ислоҳ қилиш ҳақидаги Президентимиз Фармони бунинг яна бир ёрқин далилидир.

**Шухрат АҲМЕДОВ,**
**адвокат**

**ДУНЁДАГИ ҲАР БИР давлатда инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизи, авваламбор, конституцияларда ўз аксини топган. Барча давлатлар конституцияларида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинлиги кафолатлари устувор ўрин эгаллаб, бу йўналишда махсус бўлим ва боблар ажратилган. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган юртимиз Конституциясида ҳам энг катта бўлим фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлари ва бурчларига бағишланган. Хусусан, шу бўлимнинг 7 та боби ва 34 моддаси бизу сизнинг ҳуқуқ ва бурчларимизни ифодалайди.**



● *Нигоҳ*

# Қонунларни яхши билиш

## ва уларга риоя этиш муваффақиятлар мезони

АЙНАН ИНСОН ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, биргина 2008 йилда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида оламшумул ислоҳотлар амалга оширилиб, бу соҳада туб бурилиш ясалди, дейишга тўла ҳақлимиз. Масалан, 2008 йилнинг январь ойидан бошлаб республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қиммати буюк неъмат эканлигини намоён этади. Аниқроқ айтганда, Конституциямизнинг 24-моддасида **"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир"**, деб белгиланган.

Қолаверса, жорий йилда мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Адвокатура тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Президент фармонлари ва яна бир қанча меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда инсон манфаати энг устувор масала эканлигидан далолат беради.

Конституциямизнинг бошқа давлатлар Конституциясидан фарқи, Оила бобида акс этган. Бош қомусимизнинг 66-моддасида **"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"**, дейилган. Табиийки, миллатимиз ўзига хос бу анъанани сақлаб келмоқда, келажак авлодга ҳам ушбу қадриятларимизни тўлалигича етказиш мақсадида Конституцияга ҳам норма сифатида киритилган.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўрта мактабларда **"Конституция алифбоси"**, **"Конституция сабоқлари"** каби махсус дарс соатлари жорий этилган. Табиийки, таълим соҳасидаги бу йўналиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англашлари, қолаверса, мавжуд қонунларга ҳар соатда оғишмай итоат қилишларига асос бўлмоқда.

Бундан ташқари, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш юзасидан адлия тизими ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишмоқда. Учрашув ва семинарлар жараёнида мактаб, лицей ва коллеж талабаларининг ҳуқуқий билимлари етарли даражада ривожланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган эканмиз, бу ҳуқуқимизни яхши билишимиз ва унга риоя этишимизни талаб этмоқда.

**Ойбек БОЗОРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**МАМЛАКАТИМИЗ истиқлолга эришгандан кейин ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятда эса қонун устуворлиги таъминланиши шарт. Аммо айрим мутасадди идоралар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳали-ҳануз бу ҳақиқатни тан олгилари келмаяпти.**

● *Қуласизми, қуясизми?*

# Алининг дўпписини Валига кийгизишди

## Марғилон шаҳар ҳокимлигининг "ғаройиб қарори" ортидаги машмашалар, дилхираликлар

МАРҒИЛОН шаҳар "Янги ҳаёт" МФЙ, Усмон Юсупов кўчаси, 11-уйда яшовчи Ширмонхон она Каримованинг таҳририятга йўллаган шикоят аризасини ўрганиш жараёнида бизда ана шу фикрлар туғилди.

Гапни аввалроқдан бошлайдиган бўлсак, бундан 12 йил муқаддам, яъни шаҳар ҳокимининг 1996 йил 1 августдаги 364-сонли қарорига биноан шаҳарнинг Сўфи Оллоёр кўчаси "Мозор бува" қабристони ёнида, бошқача айтганда, ўзлари яшайдиган ҳовлининг рўпарасида жойлашган 190 $м^2$ ҳажмдаги ташландиқ бўш ер майдони (айни пайтдаги 87 Б-уй) ишлаб чиқариш цехи қуриш учун шикоятчининг ўғли Мамасолиев Муҳаммаджонга ажратиб берилади. Шундан сўнг М.Мамасолиев бу ерда белгиланган цехни ишга тушириш мақсадида ҳам цех, ҳам уй сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бинони қуриб битказади. 2005 йилга келиб эса ўзга шаҳарга ишлагани кетади.

Орадан бир йил ўтгач, Муҳаммаджоннинг акаси Абдусамат Мамасолиев ва келинойиси Пазилат Камолова (яқин қариндошларининг гувоҳлик беришича, Пазилат Абдусамат билан бор-йўғи 59 кун яшаган, холос — Х.С)лар унинг йўқлигидан "унумли" фойдаланишади. Аввалига эр-хотин кексаларнинг рухсати билан ўша ҳовлига вақтинча яшаб туриш учун кўчиб ўтишади. Ана шу вақт ичида Абдусамат хотинининг даъватига бўйсуниб, ўзини Муҳаммаджон қилиб кўрсатган ҳолда шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилади ва ажратилган майдонга Пазилат томонидан уй-жой қуришга рухсат беришларини сўрайди. Қарабсизки, кўп ўтмай, шаҳар ҳокимининг 2006 йил 27 ноябрдаги 661-сонли қарори қабул қилиниб, П.Камолова ўз мақсадига эришади.

Келинг, ойдинлик киритиш мақсадида қарордан асосий жумлани келтирамиз: "Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг "Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш" ҳақидаги 9-моддасига асосан, шунингдек, фуқароларнинг оилавий шароити ҳамда "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тавсияномасини инобатга олиб, У.Юсупов кўча, 11-уйда яшовчи фуқаро Мамасолиев Муҳаммадга Марғилон шаҳар ҳокимининг 1996 йил 1 августдаги 661-сонли қарорига биноан Сўфи Оллоёр номли кўчада жойлашган, ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ажратиб берилган 190 $м^2$ ер майдонига турмуш ўртоғи — фуқаро Камолова Пазилатхон томонидан уй-жой қуришга рухсат берилсин". Энг таажжубланарли ва афсусланарли жиҳати шундаки, шаҳар ҳокимлигидагилар масалани атрофлича ўрганмай туриб, қарор матнини тайёрлашган ва шаҳарнинг ўша пайтдаги ҳокими Насибулло Раҳматуллаев унга имзо чекиб юборган. Ваҳоланки, улар, аввало, Муҳаммаджон билан Пазилатнинг эр-хотин эканлиги ёки эмаслиги ҳолатига аниқлик киритишлари ҳамда М.Мамасолиевнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишлари шарт эди. Хўш, бу эътиборсизликми ёки қонунни менсимасликми?

Буни қарангки, 2007 йилнинг 27 февралида юқоридаги 661-сонли қарорга асосан шаҳар ҳокимининг 142-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, низоли ҳовлининг 152 $м^2$ қисми доимий фойдаланиш учун П.Камоловага бириктириб берилади. Орадан 4 кун ўтиб — 2007 йил 3 март куни эса ана шу иккала қарорга биноан шаҳар ҳокими ўзининг 167-сонли қарорига имзо чекади. Яъни бу билан Пазилатнинг ўша майдон, ундаги бино ва иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқи тасдиқланади. Уй эгаси 14 кун деганда мулкни фуқаро Одина Юлдашевага 4.600.000 сўмга сотиб юборади. Олди-сотди шартномаси эса Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасида нотариус Х.Раҳмонова томонидан тасдиқланиб, реестрга 657-рақам билан қайд этилади. Пазилат шу қадар тезкорлик билан иш юритадики, ҳатто Муҳаммаджоннинг бошқа яқинлари ҳам бу воқеалардан бехабар қолишади. Улар қачонки Одина ана шу уйга кўчиб ўтмоқчи бўлгандагина ҳамма гапдан воқиф бўлишади.



Энг асосий можаро шундан кейин бошланади. Негаки, Пазилатнинг кирдикорлари, шаҳар ҳокимининг ноқонуний қарорлари Мамасолиевларни, айниқса, ёши бир жойга бориб қолган Ширмонхон онани қаттиқ ранжитади. Бинобарин, Муҳаммаджоннинг укаси Ҳасан Мамасолиев О.Юлдашевани низоли уйга киритмайди. Ш.Каримова эса юқоридаги машмашалардан норози бўлиб, шу йилнинг март ойида таҳририятимизга биринчи шикоятини йўллайди. Мазкур шикоят қонуний ҳал этиш учун Республика Бош прокуратурасига юборилганди. Шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан текшириш ўтказилади ва Марғилон шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимининг 2006 йил 27 ноябрдаги 661-сонли қарорини бекор қилиш юзасидан протест киритилиб, жорий йилнинг 28 апрель куни шаҳар ҳокимининг 304-сонли қарори билан протест қаноатлантирилади. Ўз навбатида Одина Ҳ.Мамасолиевни низоли уйдан чиқариб, ўзини киритиб қўйишларини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилади. Суднинг 2008 йил 21 апрель кунги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилади. Яъни суд О.Юлдашевани уйга киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳ.Мамасолиев ушбу уйда яшамаётганлиги боис даъвонинг уйдан чиқариш ҳақидаги қисми рад этилади. 2008 йилнинг 22 июлида эса жавобгарлар бундан норози бўлиб ёзган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Шундан кейин Ш.Каримова бизга иккинчи шикоятини йўллаган.

— Пазилат Абдусаматни авраб, ўз мақсадига эришгач, уйнинг пулини олганча жуфтакни ростлаган. Тўғрироғи, Абдусамат билан орани очиқ қилиб ажрашган. Ҳозир Абдусамат ҳам узоқ шаҳарга ишлагани кетган. Пазилатнинг қаердалиги эса номаълум, — дейди судда Ҳ.Мамасолиевнинг ишончли вакили сифатида иштирок этган Маҳфуза Мадаминова.

Айни пайтда эса низоли уйда Одина яшаб келаётган экан.

Биз журналистик суриштирувимиз мобайнида Муҳаммаджон ҳам, Пазилат ҳам Марғилон шаҳрида яшаб, рўйхатда турганлари боис уларнинг эр-хотинлик ҳолатини (гарчи, бундай эмаслиги кундай равшан бўлса ҳам) аниқлаш мақсадида шаҳар ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилдик. ФҲДЁ бўлими томонидан 2008 йил 12 сентябрь куни берилган 328-сонли маълумотномага биноан М.Мамасолиев ва П.Камоловалар ўртасида никоҳ қайд қилинмаганлиги аён бўлди. Буни Муҳаммаджон яшаган "Янги ҳаёт" МФЙ томонидан 2008 йил 1 апрель куни берилган 724-сонли маълумотнома ҳам тасдиқлади.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 5 декабрдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан Сирдарё тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорасининг нотариуси **Хушвақов Комилжон Ташановичга** 1998 йил 24 март куни берилган SI 000030 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензиясининг амал қилиши икки ой муддатга, Сирдарё тумани хусусий амалиёт билан шуғулланиувчи нотариал идорасининг нотариуси **Исломова Барно Тўхтамуродавнага** 1998 йил 28 июнь куни берилган SI 000029 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензиясининг амал қилиши бир ой муддатга ҳамда Сардоба тумани давлат нотариал идораси нотариуси **Раҳимов Олим Абдувосиловичга** 1997 йил 20 июнь куни берилган SI 000011 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензиясининг амал қилиши бир ой муддатга тўхтатилди.

**ЭЪЛОН!**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Беруний тумани давлат нотариал идораси нотариус лавозимига;**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Деҳқонобод тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига қайта**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*
*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Қашқадарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-27;
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-375) 223-01-62, 223-01-67, 223-01-76.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги нотариат бўйича «Малака» комиссиясининг 2008 йил 14 ноябрь кунги 62-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Юлдашев Мустафа Мадияровичга 1997 йил 25 август куни берилган KP 000189 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия номуайян муддатга тўхтатилди.



ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-1115. Тиражи — 11153. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8